

# **БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАҶНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ -ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА**

**Неъмат Кушвактов, пед.ф.н., доц.**  
**Жizzax давлат педагогика университети**  
**[nematkushvaktov63@gmail.com](mailto:nematkushvaktov63@gmail.com)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш масаласи ёритилган.

**Калит сўзлар:** Бўлажак ўқитувчилар, маънавий тарбия, шакллантириш, мураккаб тарбия, етук, баркамол шахс.

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш борасида бугунги бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Биз ўз изланишларимиз доирасида қуидагиларга эътиборимизни қаратдик. Маънавий тарбияни шакллантиши учун унинг асослари нималарда ўз аксини топади деган саволга жавоб излашга ҳаракат қилдик. Маълумки, ҳаётда иқтисод, сиёsat, маънавият соҳалари бир-биридан ажралган, соғ ҳолда учрамайди, шу сабабли кўпинча уларнинг ўзаро кесишуvida моҳиятан мураккаб, бир бирни тўлдирувчи тарбия олиб борилиши мумкин. Тарбия аниқ бир мақсадга қаратилганлиги сабабли у инсоннинг шаклланишида ўзига хос мураккаб йўлни босиб ўтади.

Маънавий тарбия икки босқичда бўлади. Биринчи босқич шахс маънавиятининг асосий таркибий жиҳатлари - имон, илм, масъулият, меҳр туйғуларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, эътиқод тарбиясидан бошланади. Иккинчи босқич маънавиятнинг моддий воқеликда аксланиши, яъни маданият билан боғлиқ бўлиб, кўпинча маънавият ва иқтисод, маънавият ва сиёsat кесишуvida шаклланадиган мураккаб тарбия йўналишларидан иборат бўлади<sup>1</sup>.

Ҳар бир бўлажак ўқитувчи таълим тарбия жараёнларида маънавий тарбияни ва унинг мазмунини англаб бориши мақсадга муоффикдир. Бу масалани англаб етган устозлар ёшлар тарбиясининг нақадар мураккаблиги ва масъулиятли ҳис этган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни маънан етук шахс қилиб тарбиялашда миллий қадриятлар ва бой маънавий меросларимиздан фойдаланиш зарур деган хуносага келишган<sup>2</sup>.

Маънавий тарбия – юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гурух, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи тушунча<sup>3</sup>. Бўлажак

<sup>1</sup> <https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqlish-ishi/item/10369-2021-04-16-04-10-07>

<sup>2</sup> Kushvaktov, N., Isokulov, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *JournalNX*, 6(12), 18-21.

Ҳасанбоев ЖХ, Т.Х., Равшанов, О.А., Кушвактов, Н.Х. (2007). Миллий педагогикамиз тарихий илдизлари ва баркамол авлод тарбияси. *Жizzax*, 116, 18-19.

<sup>3</sup> <https://staff.tiame.uz/storage/users/419/books/ljoxUMetRRahNpxs3p9QmeW5fFSZ77abmoJ6OPnS.pdf>

ўқитувчиларни маънавий жихатдан етук, баркамол шахс сифатида жамиятда умри гузоронлик қилиши учун зарур бўлган маънавий хусусиятларни тарбиялаш бу катталар олдида турган асосий вазифалардан бирдир.

Кишилик жамиятида инсоннинг инсонлигини, қудратини, шон – шарафини улуғлайдиган қадриятлар аждодлардан аста-секин тадрижий равишда авлодларга ўтиб келади. Маънавият атамасининг мазмун мохиятини бўлажак ўқитувчиларга еткзишда ёш авлодларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий ҳаётида зарур бўладиган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини айнан маънавиятга таалуқлилигини тушунтириб бориш керак. Анашу тарзда олиб бориладиган тушунтириш ишлари талабаларда маънавият факат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишлардагини эмас, балки бутун ижтимоий жараёнларда, жамиятнинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам қамраб олишини билишлари мақсадга муоффикдир. Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги Янги Ўзбекистон стратегиясида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиши;

миллий манфаатлардан келиб чикқан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёsat олиб бориш учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъийлик билан давом эттириш мазкур соҳадаги асосий мезонга айланиши эътироф этилган. Бўлажак ўқитувчилар билишлари керак:

- жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч – миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиласидиган қадриятлар;

- илфор демократик қоидалар;

- миллий ва умуминсоний қадриятларни улуғлаш;

- ўсиб келаётган ёш авлодни маънавиятга оид билим ва кўнимкалар билан тарбиялашни билишлари шарт. Чунки маънавий тарбия инсоннинг ўзлигини сақлашга, унинг ботиний оламини маърифий бойитишга хизмат қиласиди. Маънавий тарбияси шакллантирилмаган ёшлар бугуни ва эртасини бой бериб қўйиши мумкин. Шунинг учун, ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган,

ўзига ишонадиган мард, жасур, узоқни кўра оладиган, жамиятга нафи тегадиган, халқнинг фаровонлиги учун бор имкониятини ишга соладиган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг мақсадидир.

Маънавий тарбияни шакллантиришда биз адабиёт, санъатнинг барча турлари, урф – одатлар, анъаналар, халқ ижоди, авлодлар тажрибаси, буюк сиймоларнинг ўгитларидан кенг фойдаланиши мақсадга муоффик деб биламиз. Шу билан бир каторда бўлажак ўқитувчилар андиша, муруват, меҳр-оқибат, орият, ибо, хаё, мулозамат деган тушунчаларнинг мазмун мохиятини англаб олишлари учун уларга йўл – йўриклар кўрсатиб борилсагина яхши кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларга халқимизнинг инсонийлик фазилатларини ўзида намоён этадиган тушунчалар устида ишлаш методикаси ва технологияларини ўргатиб бориш орқали уларда маълум бир кўникмалар шакллантирилиб борилади.<sup>4</sup>

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда “Биз ўз олдимиизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”<sup>5</sup>- деган фикрларни ҳаётда ўз исботини, тасдигини топишига ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун:

- мақсадни тўғри қўйиш;
- мақсадга эришиш учун кенг имкониятлар яратиш;
- мақсадга эришиш учун буюк ва қудратли кучни кашф этиш;
- ёш авлодга сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш;
- ёшларни жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар қилиб улғайтириш;
- ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар билан қуроллантириш;
- меҳнат бозорига мослаштириш;
- меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш;
- ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойиликни интеграциялаш орқали кўзланган мақсадга эришилади.

### **Адабиётлар**

1. Kushvaktov, N., Isokulov, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *JournalNX*, 6(12), 18-21.
2. Ҳасанбоев ЖХ, Т. Х., Равшанов, О. А., Кушвактов, Н. Х. (2007). Миллий педагогикамиз тарихий илдизлари ва баркамол авлод тарбияси. *Жиззах*, 116, 18-19.

<sup>4</sup> <https://staff.tiiame.uz/storage/users/419/books/IjoxUMetRRahNpxs3p9QmeW5fFSZ77abmoJ6OPnS.pdf>

<sup>5</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

3. Kushvaktov, N. X. (2006). Pedagogical and computer bases of study and preparation of students of national-spiritual values.
4. Husanovich, K. N. (2023). technology of developing spiritual culture of future teachers. *Journal of Modern Educational Achievements*, 2(1), 64-69.
5. Husanovich, K. N. (2023). psychological characteristics of an selfless persoN. *Journal of marketing, business and management*, 1(10), 10-13.
6. Усманов, Н. У., Кушвактов, Н. Х. (2009). Научно-методическое обеспечение формирования основ здорового образа жизни у студенческой молодёжи. *Известия Самарского научного центра Российской академии наук*, 11(4-6), 1458-1462.
7. <https://staff.tiame.uz/storage/users/419/books/ljoxUMetRRahNpxs3p9QmeW5fFSZ77abmoJ6OPnS.pdf>
8. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
9. <https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqlilish-kursishi/item/10369-2021-04-16-04-10-07>